



OPPORTUNITIES AND DIRECTIONS FOR ATTRACTING FOREIGN CAPITAL TO THE NATIONAL ECONOMY

Shokhrukh Khudoyqulov

Master's student

Higher School of Business and Entrepreneurship under the Cabinet of Ministers

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: In our country, foreign capital, foreign investments, the development strategy of Uzbekistan, the strategy of actions, the economy, macroeconomics Oliy Majlis. Shargunkomir, Navoi thermal power station, reconstruction, drinking water supply system, liberalization, entrepreneurship, foreign trade export-import, foreign investment.

Received: 14.03.25

Accepted: 16.03.25

Published: 18.03.25

Abstract: It arises from the need to scientifically analyze foreign capital processes in our country, to study the possibilities of creating an investment environment, which is the main condition for attracting investments, to improve it in accordance with the conditions of the current era, and to search for ways for investors to enter the world market. The ability of any country to attract foreign direct investment is directly dependent on its territorial potential. This situation indicates the need to improve the ways in which foreign capital can be attracted to the economy of a country, and conducting scientific research in this process is an urgent issue

ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИНИ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТГА ЖАЛБ ЭТИШ ИМКОНИЯТ ВА УНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Шахрух Худойкулов

Магистратура талабаси

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Мамлакатимизда чет эл капитал, хорижий инвестицияларни, Ўзбекистон тараққиёт стратегияси, Ҳаракатлар стратегиясининг иқтисодиёт, макроиқтисодиёт, Олий Мажлис. Шарғункўмир, Навоий иссиқлик электр станцияси, реконструкция қилиш, ичимлик суви таъминоти тизими, либераллаштирилиши, тадбиркорлик,

Аннотация: Мамлакатимизда чет эл капитал жараёнларни илмий жиҳатдан таҳлил қилиш, инвестицияларни жалб этишнинг асосий шарти бўлган инвестиция муҳитини яратиш имкониятларини ўрганиш, ҳамда ҳозирги давр шарт-шароитига мос тарзда такомиллаштириш ва инвесторларнинг жаҳон бозорига кириш йўллари кидириш заруриятидан келиб чиқмоқда. Чет эл капиталининг Тўғридан-

ташки савдо экспорт-импорт, хорижий инвестиция.

тўғри хорижий инвестицияларни жалб қила олиш қобилияти ҳар қандай мамлакатнинг худудлар имконияти туфайли юзага келиши. Ушбу ҳолат мамлакатлар иқтисодиётига хорижий капиталининг жалб этиш йўналишларини такомиллаштириш зарурлигини намоён этади ва бу жараёнда илмий изланишлар олиб бориш долзарб масаласи.

ВОЗМОЖНОСТИ И НАПРАВЛЕНИЯ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНОСТРАННОГО КАПИТАЛА В НАЦИОНАЛЬНУЮ ЭКОНОМИКУ

Шахрух Худойкулов

студент магистратуры

Высшая школа бизнеса и предпринимательства при Кабинете Министров

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: В нашей стране иностранный капитал, иностранные инвестиции, стратегия развития Узбекистана, экономика, макроэкономика стратегии действий, Олий Мажлис. Шаргункомир, Навоийская ТЭЦ, реконструкция, система питьевого водоснабжения, либерализация, предпринимательство, внешнеторговый экспорт-импорт, иностранные инвестиции

Аннотация: Она возникает из-за необходимости проанализировать процессы иностранного капитала в нашей стране с научной точки зрения, изучить возможности создания инвестиционной среды, которая является основным условием привлечения инвестиций, и усовершенствовать ее в соответствии с условиями современной эпохи, а также поиска путей выхода инвесторов на мировой рынок. Иностранного капитала Возможность привлечения прямых иностранных инвестиций обусловлена территориальным потенциалом любой страны. Данная ситуация показывает необходимость совершенствования способов привлечения иностранного капитала в экономику стран, а также актуальным вопросом проведения научных исследований в этом процессе.

Кириш: Жаҳонда глобал рақобатнинг кескинлашуви шароитида мамлакатлар ўртасида самарадорлик жихатидан юқори қийматга эга бўлган асосий капитални жалб этиш бўйича кураш кучайиб бормоқда. Жумладан, “Чет эл капитали Ўзбекистоннинг иқтисодиётига жалб этиш ва уларни йўналтириш асосий мақсадлардан биридир. Чет эл капиталининг Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қила олиш қобилияти ҳар қандай мамлакатнинг худудлар имконияти туфайли юзага келган. Ушбу ҳолат мамлакатлар иқтисодиётига хорижий капиталининг жалб этиш йўналишларини такомиллаштириш зарурлигини намоён этади. 2021 йилнинг 6 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришишига бағишланган тантанали

маросимда қайта сайланган мамлакат раҳбари томонидан келгуси беш йил учун энг асосий устувор йўналишларни ўз ичига олган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси илгари сурилди. Президент тақдим этган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси етти йўналишдан иборат бўлиб, у беш йил аввал қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси ва унинг доирасида амалга оширилган муваффақиятли ислохотларнинг узвий давоми эканлиги билан аҳамиятлидир. Хусусан, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг учинчи йўналиши — миллий иқтисодиётни, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида ривожлантириш бўйича белгиланган устувор вазифаларни Ҳаракатлар стратегиясининг иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари доирасида бошланган ислохотларнинг узвий давоми сифатида баҳолаш мумкин. Ўз ўрнида шуни ҳам айтиш жоизки, самарали амалга оширилган ислохотлар навбатдаги муваффақият гаровидир. Асосий мақсад аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажмини ошириш. 2022–2026 йиллардаги устувор вазифа сифатида айнан иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш орқали аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажмини ошириш кўзда тутилганлигида ҳам ўзига хос маъно бор. Ўтган беш йил, яъни 2017–2021 йилларда Ҳаракатлар стратегияси доирасида саноатнинг етакчи тармоқлари (тўқимачилик, электротехника, автомобиль саноати, қурилиш материаллари саноати, кимё ва нефть-кимё саноати, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, энергетика каби тармоқлар)ни ривожлантириш стратегиялари қабул қилинди. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларини жорий этиш, хусусан, пахта ва ғалла етиштиришда давлат буюртмасини бекор қилиш орқали ишлаб чиқаришда иқтисодий самарадорлик ва маҳсулот ишлаб чиқарувчилар манфаатдорлиги оширилди. Ўз навбатида, ҳудудларнинг иқтисодий потенциалини кўпайтириш мақсадида Чет эл капитали Чет эл капитали ташкил этилди, уларга хорижий инвесторларни жалб қилиш учун тегишли имтиёз ва преференциялар тақдим этилди. Етакчи тармоқларга ихтисослашган кичик саноат зоналари бунёд қилиниб, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур инфратузилмалар яратилди. Йирик ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган инновацион технопарклар ташкил этилиб, уларда замонавий илм-фан ютуқлари орқали яратилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди [1].

Мамлакатимизда чет эл капитал жараёнларни илмий жихатдан таҳлил қилиш, инвестицияларни жалб этишнинг асосий шarti бўлган инвестиция муҳитини яратиш имкониятларини ўрганиш, ҳамда ҳозирги давр шарт-шароитига мос тарзда такомиллаштириш ва инвесторларнинг жаҳон бозорига кириш йўлларини қидириш заруриятдан келиб чиқмоқда. Бунга сабаб, юқорида таъкидланганидек, мамлакатга хорижий технологияларни жалб қилиш ва замонавий қўшма корхоналарни барпо этиш,

уларни модернизациялаш асносида инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва жаҳон бозорига олиб чиқишни таъминлаш лозим.

Инвестициялар ҳисобига иқтисодийни модернизациялашнинг ҳозирги даврида мамлакатимизда амалга оширилаётган макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий тузилмаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим омил ҳисобланади. Аҳоли турмуш фаровонлигининг ўсиши, макроиқтисодий кўрсаткичларни яхшилашга хизмат қилувчи фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш ҳудудларда изчил амалга ошириш иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда чет эл капитали иштирокида 503 та янги корхона рўйхатга олинди. Бу ҳақда Давлат статистика қўмитаси ахборот хизмати хабар бермоқда. Ушбу корхоналарнинг 351 таси Тошкент шаҳрига, 48 таси Тошкент, 19 таси Самарқанд, 18 таси Андижон, 14 таси Фарғона, 9 таси Бухоро, 9 таси Сирдарё, 7 таси Сурхондарё, 5 таси Хоразм вилоятларига ва 10 таси Қорақалпоғистон Республикасига тўғри келади. Рўйхатга олинган янги корхоналарнинг 102 таси Россия Федерацияси, 95 таси Хитой Халқ Республикаси, 55 таси Корея Республикаси, 35 таси Буюк Британия, 33 таси Қозоғистон Республикаси, 31 таси Туркия Республикаси, 21 таси Ҳиндистон Республикаси, 14 таси Эрон Ислом Республикаси ва 10 таси Озарбайжон Республикаси резидентлари капитали иштирокида ташкил этилди. Чет эл капитали иштирокида янги ташкил этилган корхоналарнинг 237 таси саноат, 88 таси савдо, 42 таси қурилиш, 25 таси яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 15 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги иқтисодий фаолият турларида ташкил этилган [2].

2017 йил 1 январь ҳолатига республикада фаолият кўрсатаётган чет эл капитали иштирокидаги корхоналарнинг умумий сони 5 мингдан ортди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги ПФ-27-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги, 2023 йил 21 июлдаги ПФ-111-сон “Маъмурий ислохотлар доирасида инвестициялар, саноат ва савдо соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495-сон “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, 2020 йил 29 декабрдаги ПҚ-4937-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларда мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПҚ-4300-сон “Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш

механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 10 апрелдаги 196-сон “Эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда чет эл капиталини миллий иқтисодиётга жалб этиш имкониятларини оширишга хизмат қилади [3].

2017-2019 йиллар мобайнида хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажмининг кескин ошиши кузалди, жумладан йиллик ўсиш даражаси 2017 йилда 34,9 фоиз, 2018 йил 31,4 фоиз ва 2019 йилда 96,5 фоизга тенг бўлди ва жами инвестициялардаги улуши 23,8 фоиздан 43,6 фоизга, яъни 20 пунктга ўсиши кузалди. Мазкур даврда мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий соҳалари ва инфратузилмани ривожлантиришга хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб этилиши ҳисобидан 2017 йилда Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияларини қуриш, темир йўлларини қуриш ва электрлаш, ерусти рақамли узатиш тизимларини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш 2018 йилда “Тозаланган метан асосида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқаришга мўлжалланган Шўртан газ-кимё комплекси қурилиши, “Навойазот” Поливинилхлорид (ПВХ), каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш комплексининг қурилиши, “Шарғункўмир” АЖ кўмир қазиб олиш лойиҳавий қувватини йилига 900 минг тоннага етказиш учун модернизация қилиш, ичимлик суви таъминоти, канализация ва тозалаш тизимларини такомиллаштириш, ирригация тизими магистрал суғориш каналларини қайта тиклаш” 2019 йилда “тозаланган метан асосида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқаришга мўлжалланган Шўртан газ-кимё мажмуаси қурилиши, Навоий иссиқлик электр станциясида буғ-газ қурилмасини кенгайтириш, канализация тизими ва тозалаш иншоотларини реконструкция қилиш, ичимлик суви таъминоти тизимини такомиллаштириш” лойиҳалари молиялаштирилган [4].

Таъкидлаш жоизки, 2017 йилдан кейинги даврда миллий иқтисодиётнинг либераллаштирилиши, жумладан, “тадбиркорлик секторини кенг кўламли молиялаштирилиши, валюта операцияларининг эркинлаштирилиши, ташқи савдода экспорт-импорт жараёнининг енгиллаштирилиши ва бошқа бир қатор омиллар ҳисобига хорижий инвестициялар оқимининг кенгайиши” кузатилмоқда.

2020 йилда хорижий инвестициялар ва кредитларнинг суммаси ўтган йилга нисбатан 4321,6 миллиард сўмга кўпайиб 89758,8 миллиард сўмни ташкил этган ҳолда уларнинг ўсиши салбий кўрсаткич, яъни 6,1 фоизга пасайиш бўлганлигини кўриш мумкин. Бу албатта миллий иқтисодиётдаги инфляциян жараёнлар билан боғлиқ. Таъкидлаш лозимки, 2020 йилда миллий иқтисодиётга хорижий инвестициялар оқимининг пасайишига асосий омил сифатида Covid-19 натижасида вужудга келган санитар инқироз таъсир кўрсатди.

Аммо хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан қуйидаги лойиҳалар молиялаштирилди: тозаланган метан асосида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқаришга мўлжалланган Шўртан газ-кимё мажмуаси қурилиши, углеводородлар қазиб чиқаришни 2017-2021 йилларда кенгайтириш Дастури, электр энергияси истеъмолини ҳисоблаш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий қилиш, локомотивлар сотиб олиш билан локомотивлар паркни янгилаш, Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурслари бошқарувини яхшилаш [5].

2021-2022 йиллар мобайнида хорижий инвестицияларнинг ҳажми мос равишда 101371,2 миллиард сўм ва 113864,2 миллиард сўм ҳамда ўсиш даражаси мос равишда 2,1 ва 0,5 фоизни ташкил этгани ҳолда, мазкур даврда уларнинг жами инвестициялардаги улуши юқори бўлиб, мос равишда 42,3 фоиз ва 42,8 фоизни ташкил қилди. Давлат кафолати остидаги хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан 2021 йилда электр энергиясини ҳисобга олиш тизимларини автоматлаштириш, модернизация ва реконструкция қилиш, Тўпаланг ГЭСини модернизация қилиш, темир йўлларни электрлаш, локомотивлар харид қилиш лойиҳалари молиялаштирилди. Мазкур йўналишда 2022 йилда табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш; Самарқанд вилоятида туристик марказ қуриш, канализация тизимини реконструкция қилиш ва ривожлантириш, технологик ускуналарни замонавийлаштириш ва алоқа тизимларини кенгайтириш, Аму-Бухоро ирригация тизимини қайта тиклаш, ичимлик суви ва оқова сув тизимларини реконструкция қилиш ва қуриш лойиҳалари молиялаштирилди [6].

Тадқиқотимизни тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва уларнинг динамикасига қаратимиз. Таъкидлаш лозимки, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар - хорижий инвесторлар томонидан даромад олиш мақсадида қабул қилувчи мамлакатдаги корхона, бизнес ёки активларга капитал қўйилишини аниқлатади. Бошқа инвестиция шаклларида фарқли ўлароқ, тўғридан-тўғри инвестициялар хорижий инвестор томонидан компания фаолиятига юқори даражадаги назорат ва таъсирни ўз ичига олади.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида айнан шу масалани эътироф этган ҳолда 2023 йил ва ундан кейинги йилларда миллий иқтисодиётни ривожлантириш йўналишлари сифатида, қуйидаги фикрларни билдирди: “Иқтисодиётга маҳаллий ва чет эл капиталларини кўпайтириш учун шароитларни яхшилаيمиз. Биз сўнгги олти йилда инвестицияларнинг ҳажмини ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизидан оширишга эришдик. Келгуси йил қарийб 30 миллиард доллар сармоя жалб қилинади, шундан 25 миллиард доллар хусусий инвестициялар бўлади. Жумладан, умумий қиймати 8 миллиард долларлик 300 дан зиёд лойиҳани ишга тушираимиз ва яна 40 та янги йирик лойиҳа бошланади” [7].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Тараққиёт стратегияси” маркази 9023 | 18 Ноя. 2021 й.
2. <https://www.gazeta.uz/uz/2018/08/02/invest/>
3. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида. 2022 йил 20 декабрь.
4. Ўзбекистон Республикаси “Инвестициялар ва инвестицион фаолият тўғрисида”ги 2019 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-598-сон Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси Ўзбекистон
5. Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати 2017 йил январь-декабрь. Т. 2018. 64 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати 2018 йил январь-декабрь. Т. 2019. 100-101 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати 2019 йил январь-декабрь. Т. 2020. 169-170 б.